

«Аё София» масжиди (тўртинчи қисм)



10:30 / 04.04.2021 2648

«Муқаддас донолик» деб таржима қилинган «Аё София» Византия меъморчилигининг энг яхши намуналаридан биридир. Унинг дизайни Милетлик Исидор ва Траллес Антемиус томонидан қилинган ва 1500 йил давомида Туркиянинг энг муҳим ёдгорликларидан бири бўлиб келган. Бошқа масжидлар сингари, «Аё София» ҳам кўп марта қўлдан қўлга ўтиб, йиллар давомида бир неча динларга сиғинадиган жой сифатида фаолият юритган.

«Аё София» масжидида йиллар давомида кўплаб янгиланишлар, жумладан, зилзилалар ва бошқа офатлар натижасида етказилган зарарни тиклаш ишлари олиб борилди. Салиб юришлари пайтида масжиднинг ички қисми жиддий зарар кўрган. Усманийлар империяси Византияликлардан сўнг «Аё София»ни бошқаришни ўз қўлига олди. Султон Аё Софиянинг

гўзаллигидан илҳомланиб, черковни масжидга айлантиришга қарор қилди. Бинони таъмирлаш жараёнида Макка томон йўналтириш учун меҳроб ва диний маросимлар учун минбар ва минора қўшилган. Усманийлар империяси қулагандан сўнг, мураккаб лойиҳалаштирилган бино «Аё София» қарийб бир аср давомида музейга айлантирилди.

Кўп йиллар давомида ибодат қилувчилар «Аё София»нинг ибодат жойи мақомини қайтаришга уринишганидан сўнг, музей 2020 йил июль ойида яна масжидга айлантирилди.

(Давоми бор)

Таржимон: Мунира Баҳодиржон қизи